


“МИРЗО БОБУР - СЕН, ФИГОНИНГ, ОЛАМ УЗРА СОЛДИ ЎТ”

*Захиридин Муҳаммад Бобур
(1483-1530)*



Захириддин Мұхаммад Бобур Ўрта аср Шарқ маданияти, адабиёти ва шеъриятида ўзига хос ўрин эгаллаган адіб, шоир, олим бўлиш билан бирга йирик давлат арбоби ва саркарда ҳамдир. Бобур кенг дунёқараши ва мукаммал ақл-заковати билан Хиндистонда Бобурийлар суоласига асос солди. Ҳиндистон тарихида давлат арбоби сифатида номи колган бўлса, сержило ўзбек тилида ёзилган «Бобурнома» асари билан жахоннинг машҳур тарихнавис олимлари қаторидан ҳам жой олди. Унинг нафис ғазал ва рубоийлари туркий шеъриятининг энг нодир дурдоналари бўлиб, «Мубаййин» («Баён этилган»), «Хатти Бобурий», «Харб иши», Аruz хакидаги рисолалари эса ислом конуншунослиги, шеърият ва тил назарияси соҳаларига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди.

Захириддин Мухаммад Бобур 1483 йил нинг 14 февраляда Андижонда, Фарғона улусининг ҳокими Умар Шайх Мирзо оиласида дунёга келди. Бу даврда Марказий Осиё ва Хурросоида турли ҳокимлар, ака-укалар, тоға-жиянлар, ўртасида ҳокимият — улуғ боболари Амир Темур тузган йирик давлатга эгалик қилиш учун кураш ниҳоят кескинлашган

Эди.

Адабиёт, нафис санъат, табиат гўзаллигига ёшлигидан меҳр кўйган Захириддин, барча Темурий шахзодалар каби бу илмларниң асосини отаси саройида, етук устозлар раҳбарлигига эгаллади. Бирок; унинг беташвиш ёшлиги узокқа чўзилмади. 1494 йили отадан етим қолди. 12 ёшида отаси ўрнига Фарғона улусининг ҳокими этиб кўтарилиган Бобур қаламни қиличга алмаштириб, Андижон тахти учун укаси Жаҳонгир Мирзо, амакиси Султон Аҳмад Мирзо, тоғаси Султон Махмудхон ва бошка рақибларга қарши курашишга мажбур бўлди.

Бобур укаси Жаҳонгир Мирзо билан муросага келиш учун унга ён беришга — Фарғона улусини иккига тақсимлаб, ярмини укасига топширишга қарор қилда ва ўзи Самарқанд учун олиб борилаётган курашга киришиб кетди. Бир неча йил давом этган бу кураш қирғинбаротдан бошқа бирор натижа бермади: унда катта ҳарбий куч билан аралашган Шайбонийхоннинг қўли баланд келди ва Бобур Самарқандни ташлаб кетишга мажбур бўлди. 1504 йили Шайбонийхон Андижонни хам кулга киритгандан сунг, Бобур жанубга қараб йўл олди ва Қобул улусида ўз ҳокимиятини ўрнатди. 1505-1515 йилларда у Марказий Осиёга кайтишга бир неча бор уриниб кўрди. Аммо бу уринишлардан ҳеч қандай натижа чиқмади.

1519-1525 йиллар давомида Хиндистонни кўлга киритиш учун бир неча бор жанглар олиб борди. 1526 йил апрел ойида Панипатда Хиндистон султони Иброҳим Лўди билан ва 1527 йили март ойида Читора ҳокими Рано Санго билан бўлган жангларда Бобурнинг қўли баланд келди. Тарихий маълумотларнинг баён қилишича, Бобурнинг Хиндистонга юришида Дехли ҳукмдори Иброҳим Султон сиёсатидан норози бўлган Панжоб ҳокимлари ҳам Бобурни қўллаганлар ва Сикри жангидаги бу ғалаба Бобурга Хиндистонда ўз ҳукмронлигини узил-кесил ўрнатиш ва Бобурийлар сулоласини барпо этиш имкониятини берди. «Бобурийлар сулоласи» Хиндистонда 300 йилдан ортиқ ҳукмронлик қилди

Бобур Ҳиндистонда сиёсий муҳитни барқарорлаштириш, Ҳиндистон ерларини бирлаштириш, шаҳарларни ободонлаштириш, савдо-сотик масалаларини тўғри йўлга қўйиш, боғ-роғлар яратиш ишларига ҳомийлик қилди. Ҳиндистонни ободонлаштириш, унда ҳозиргача машҳур бўлган меъморий ёдгорликлар, боғлар, кутубхоналар, карвонсаройлар қурдириш, айниқса, унинг ўғиллари ва авлодлари даврида кенг миқиёсга ёйилди. Ҳиндистон санъати ва меъморчилигига Марказий Осиё услубининг кириб келиши сезила бошлади. Бобур ва унинг ҳукмдор авлодлари ҳузурида ўша даврнинг илғор ва зеҳни ўткир олимлари, шоирлари, мусиқашунослари ва давлат арбобларини мужассам этган мукаммал бир маънавий-рухий муҳит вужудга келди.

Бобур ва унинг ҳукмдор авлодлари ҳузурида ўша даврнинг илғор ва зехни ўткир олимлари, шоирлари, мусиқашунослари ва давлат арбобларини мужассам этган мукаммал бир маънавий-рухий муҳит вужудга келди. Бобурийлар давлатидаги маданий муҳитнинг Ҳиндистон учун аҳамияти хақида Жавахарлаъл Неру шундай ёзган эди: «Бобур Ҳиндистонга келгандан кейин катта силжишлар юз берди ва янги рағбатлантиришлар хаётга, санъатга, архитектурага тоза ҳаво баҳш этди, маданиятнинг бошқа соҳалари эса бир-бирларига тулашиб кетди».

«Бобурнома» — Мовароуннахр, Хурросон, Хиндистон, Эрон халқларининг XV аср охири — XVI асрнинг биринчи ярмидаги тарихини ўзида акс эттирган бўлса ҳам, шу билан бирга жуда кўп долзарб иқтисодий, ижтимоий масалалар, юқорида номлари келтирилган вилоятларнинг ўзаро сиёсий-иқтисодий ва савдо муносабатлари, жуғрофий мавқеи, иқлими, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, тоғлари, дарёлари, халқлари, қабила ва элатлари ва уларнинг яшаш шароитлари, урфодатлари, муҳим тарихий иншоотлари — хиндулар ва мусулмонларнинг ибодатхоналари, тўй ва дафн маросимлари хақида нихоятда нодир маълумотларни ўзида қамраб олган шоҳ асаддир. Шу боис «Бобурнома» тарихий ва адабий мерос сифатида дунё олимларини хайратда қолдириб келмоқда.

Бобур ўзбек адабиётида ўзининг нозик лирик асарлари билан ҳам машҳурдир. Унинг ҳаёти ва адабий фаолияти Мовароуннахрда сиёсий ҳаёт ниҳоят мураккаблашган феодал гуруҳларнинг бошбошдоқлик ҳаракатлари авжига чиқсан ва Темурийлар давлатининг инқирози давом этаётган бир даврга тўғри келган эди. Бундай мураккабликлар инъикосини «Бобурнома»да кўрган бўлсак, шоир руҳиятида қандай акс этгани эса, унинг шеърларида намоён бўлади. Мовароуннахрни бирлаштиришга уринишлари натижа бермагач, Бобур руҳан қийиналган, амалдорларнинг хиёнатлари таъсирида умидсизликка тушган кезлардаги кайфияти шеърларида акс этган. Кейинчалик ўз юртини тарқ этиб, Афғонистон ва Хиндистонга юз тутганда Бобур шеъриятида Ватан туйғуси, Ватан СОГИНЧИ, унга қайтиш умиди мавж ура бошлади.




**Толэ йўққи жонимга балолиғ бўлди,
Хар ишниким, айладим хатолиғ бўлди,
Ўз ерин қуйиб Хинд сори юзландим,
Ёраб, нетайин, не юз қаролиғ бўлди.**

Бобур ўз лирик шеърларида ҳар доим одамларни яхшиликка, адолат, инсонпарварликка, юксак инсоний түйғуларни қадрлашга чақирди:

**Хар кимки вафо қилса, вафо топқусидур,
Хар кимки жафо қилса, жафо топқусидур.
Яхши киши күрмагай ёмонлиғ харгиз,
Хар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидур.**

Бобур лирик шеърлари ва тарихий «Бобурнома»сидан ташқари, ислом қонуншунослиги ва бошқа соҳаларда ҳам асарлар яратган. 1522 йилда ўғли Хумоюнга атаб ёзган «Мубаййин» номли асарида ўша замон солиқ тизимини, солиқ йиғишнинг қонун-қоидаларини, шариат бўйича кимдан қанча солиқ олиниши ва бошқа масалаларни назмда изоҳлаб берган. «Ҳатти Бобурий» деб аталган рисоласида араб алифбосини туркий тиллар, хусусан, ўзбек тили нуқтаи назаридан бирмунча соддалаштириб беришга ҳаракат қилган. У, тажриба сифатида «Ҳатти Бобурий» алифбосида Куръони Каримни кўчирган. Бобурнинг аruz вазни ва кофия масалаларига бағишлиланган «Муфассал» номли асари ҳам бўлганлиги маълум, бирок бу асар бизгача етиб келмаган.

Бобур ўзининг маълум ва машҳур асарлари билан тарихнавис адиб, лирик шоир ва ижтимоий масалалар ечимиға ўз ҳиссасини қўшган олим сифатида халқимиз маънавий маданияти тарихида муносиб ўрин эгаллайди.



Ўзбекистон Президенти АҚШ Давлат котибини қабул қилди



- Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 3 февраль куни мамлакатимизда расмий ташриф билан бўлиб турган Америка Қўшма Штатлари Давлат котиби Майкл Ричард Помпеоni қабул қилди.
- Президент Шавкат Мирзиёев кейинги йилларда барқарор, тизимли тус олган ва ўзаро ишончга асосланган кўп қиррали Ўзбекистон-АҚШ муносабатлари изчил ривожланиб бораётганини катта мамнуният билан қайд этди.


2018 йил май ойида АҚШга амалга оширилган, мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шерикликнинг янги даврини бошлаб берган олий даражадаги тарихий ташриф чоғида эришилган келишувларни амалга ошириш доирасида ўзаро алмашинувлар фаоллашгани алоҳида таъкидланди Конструктив, шу жумладан минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар бўйича сиёсий мулоқот йўлга қўйилди. Савдо-иқтисодий, инвестициявий, технологик, молиявий, аграр, энергетик, таълим, ҳуқуқни ҳимоя қилиш ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик кенгаймоқда. Кейинги бир неча йил давомида товар айирбошлиш ҳажми икки баробар кўпайди. АҚШнинг етакчи компаниялари иштироқида мамлакатимиз иқтисодиётининг турли тармоқларида истиқболли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Америка инвестицияларининг умумий ҳажми 1 миллиард доллардан ошди. Жорий ўқув йилидан бошлаб мамлакатимизда Вебстер университетининг филиали ўз ишини бошлади. АҚШ Давлат котиби, ўз навбатида, кўрсатилган самимий қабул учун Президентимизга дилдан миннатдорлик билдириди ҳамда Президент Дональд Трампнинг саломи ва энг эзгу тилакларини етказди.

С5+1” шаклидаги ташқи ишлар вазирлари учрашуви



- Учрашувда Кирғизистон Республикаси ташқи ишлар вазири Чингиз Айдарбеков, Қозоғистон Республикаси ташқи ишлар вазири Мухтор Тлеуберди, Тожикистон Республикаси ташқи ишлар вазири Сирожиддин Мухриддин, Туркманистан вазири Рашид Мередов, Узбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов ва АҚШ Давлат котиби Майкл Помпео иштирок этди.

Ташқи савдо жараёнидаги муаммолар таҳлил қилиниб, долзарб вазифалар белгиланди



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 5 февраль куни ташқи иқтисодий фаолият тизимини ислоҳ қилиш бўйича устувор вазифаларга бағишланган йиғилиш ўтказди.

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлисга Мурожаатномасида ташқи савдо билан боғлиқ назорат тизими ва инфратузилмани яхшилаш, жумладан, хорижий тажрибадан келиб чиқиб, божхона постларида назоратни амалга оширадиган божхона, санитария, карантин, ветеринария ва бошқа идоралар фаолиятини ислоҳ қилиш лозимлигини таъкидлаган эди.

Бу соҳада узоқ йиллардан буён самарали ишлар олиб борилмагани ташқи савдо амалиётларида муайян қийинчликлар туғдирмоқда. Жаҳон банкининг “Бизнес юритиш” рейтингида “Халқаро савдо” йўналиши бўйича мамлакатимиз 190 та давлат орасида 152-ўринда қайд этилгани ҳам шундан далолат беради. Йиғилишда мазкур рейтингда мамлакатимиз позициясини яхшилаш, жаҳон тажрибаси асосида назорат идораларининг ишини такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинди. Маълумки, кўплаб давлатларда юклар чегарага етиб келмасидан олдин улар ҳақида ахборот берилиб, юкнинг тез чиқиб кетиши таъминланади. Ўзбекистонда эса ўтган йили 416 мингта декларациядан атиги 344 таси юк чегарага келгунча расмийлаштирилган. Юк тўғрисида олдиндан маълумот бериш автомобиль транспортида 98 фоизни ташкил этса, темир йўлда умуман йўлга қўйилмаган

Шу боис назоратни чегарада эмас, балки юклар кириб келишидан олдин ёки мамлакат ичкарисида эркин муомалага чиқарилгандан кейин амалга ошириш тизимини йўлга қўйиш бўйича топшириқ берилди

~~Бугунги кунда 1 минг 836 та турдаги товар бир вақтда уча идора төмөнидан текширилиши, оқибатда импорт-экспорт ҳужжатларини расмийлаштириш ҳафталаб чўзилаётгани танқид қилинди. Божхона, ветеринария, карантин, санитария, стандарт, экология идоралари иш услубини ўзгартириши, уларнинг асосий вазифаси маҳсулотлар экспортини қўллаб-куватлашдан иборат бўлиши зарурлиги кўрсатиб ўтилди.~~

Товарларнинг божхона қийматини тезкор аниқлаш имконияти бўлмаганда, тадбиркор тўлов қилиб ўша заҳоти маҳсулотини олиб кетадиган, бунга аниқлик киритилганидан кейин фарқни тўлайдиган тизим жорий этиш муҳимлиги таъкидланди. Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитасига халқаро экспертларни жалб қилган ҳолда янги Божхона кодексини ишлаб чиқиш, божхона органлари ташкилий тузилмаси ва маъмурчилигини такомиллаштириш вазифаси қўйилди. Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси ходимлари экин майдонларига чиқиб, хорижий мамлакатларнинг кимёвий ва биологик воситаларни қўллаш бўйича талабларини дехқонларга тушунтирадиган, амалий кўмак берадиган тузилмага айланиши кераклиги қайд этилди.

Йиғилишда юкларни чегара пунктларидан үтказиш вақтини қисқартыриш масаласи атрофлича мұхокама қилинди. Таҳлилларга назар ташласак, сүнгі 3 йилда құшни давлатлар билан чегара орқали үтган инсонлар сони 2 бараварга, транспорт воситалари сони қарийб 3 бараварга ошган. Лекин ҳозирги инфратузилма бундай талабга тұла жавоб бермайди. Масалан, айрим ветеринария ва карантин пунктларида зарур жиҳозлар йўқ. Чегарадаги санитария ва эпидемиология хизмати ҳам ташқи хавфларга тайёр эмас. Юклар оқимини тақсимлаш ишлари оқилона ташкил этилмаган. Божхона хизматида постларни масофадан назорат қилиш тизими – Ситуацион марказ йўқлиги оқибатида постларда тирбандликлар пайдо бўлмоқда. Бу тадбиркорлар учун ҳам, давлат бюджети учун ҳам ортиқча харажат келтириб чиқармоқда. Шу боис мутасаддиларга чегара постларини замонавий технологиялар билан жиҳозлаш, жорий йил 1 октябрға қадар Ситуацион марказни ишга тушириш бўйича топшириқлар берилди. Шунингдек, чегарадош давлатлар билан юкларни “бир бекатда текшириш” тизимини йўлга қўйиш лозимлиги қайд этилди.

Коронавирусли инфекция (Coronavirosis)

Коронавирусли инфекция (КВИ)-

ўткир респиратор касаллик бўлиб, у юқори нафас йўлларининг яллиғланиши ва суст намоён бўладиган умумий заҳарланиш белгилари билан кечадиган касалликдир. Коронавирус этиологияли ўткир респиратор касалликлар 5-10% ҳолда учрайди.

Этиологияси. Касаллик РНК-сақловчи, катталиги 80-220 нм га тенг келадиган коронавируслар томонидан чақирилади. Коронавируслар нинг 4

хил антигени мавжуд. Вируснинг ташқи қобиғи ворсинкалар билан қопланган. Бу ворсинкалар орқали вирус ҳужайрага бирикади (шунинг учун бу вируслар оиласи Coronoviridae деб номланади.). Вируслар юқори нафас йўллари эпителийсининг цитоплазмасида қўпаяди. Бу вирус ҳужайра ичига киргач 4-6 соатдан кейин қўплаб вирионларни ҳосил қиласи. Коронавируслар ташқи муҳитга чидамсиз. Улар ўзининг ташқи қобиғида bemor қон идаги ҳамда гипериммун зардоб таркибидаги комплементни боғлаб олади.

Эпидемиологияси. Асосий инфекция манбай ёввойи ва уй ҳайвонлари, ҳамда бемор одам ҳисобланади. Касаллик ҳаво – томчи йўли орқали юқади. Ушбу касалликка қарши бугунги кунда вакциналар ишлаб чиқилмаган

Иккиламчи юқтириш ҳолатлари (бемордан-соғлом одамга) тибиёт ходимлари ва беморлар оила аъзолари ўртасида кузатилган. Барча ҳолатларда инфекция bemор билан яқин мулоқотда бўлган шахсларда кузатилган. Атипик пневмония билан касалланган bemор эпидемиологик нуқтаи назардан атрофдагилар учун бутун яширин давр давомида, касаллик даврида ва соғайгандан кейин 10 кун мобайнида хавфли ҳисобланади. Клиник соғайгандан 10 кундан кейин атрофдагилар учун хавфсиз ҳисобланади. Касаллик ер юзида кенг тарқалган бўлиб катта ёшдаги инсонларнинг 80% ида вирусга қарши антителонинг борлиги аниқланган. Мавсумга қараб коронавирус инфекцияси барча юқори нафас йўллари касалликларининг 10-

15% ини ташкил қиласди. Коронавирус инфекцияси кузнинг охири, қиш ва баҳорнинг бошларида (риновирусли инфекция кам учраганда) кўп учрайди.

Клиникаси: Касаллик клиникаси вирус юққандан сўнг 2-14 кун ўтгандан

кейин намоён бўлади. Касаллик ўткир, тана ҳароратининг ошиши, яққол ривожланмаган умумий заҳарланиш белгилари билан бошланади. Шунингдек, болаларда нафас олганда кўкрак қафасида оғриқ, йўтал, қуруқ ҳуштаксимон хириллашлар эшитилади. Коронавирус инфекцияси ўткир пневмония билан асоратланиши мумкин. Кўкрак қафаси рентгенографиясида ўчоқли ёки интерстициал инфильтратлар аниқланади. Оғир ҳолларда нафас олиш аъзолари фаолияти ёмонлашиб,

иккинчи ҳафтада касаллик респиратор дистресс-синдром ривожланиши, катталарда бу турли аъзолар дисфункцияси билан кузатилиши мумкин. Баъзан бўйин лимфа тугунлари катталашади. Коронавирус инфекциясининг ўткир гастроэнтерит кўринишида кечиши ҳам аниқланган. Бу касаллик 1-3 кун давом этади ва бемор тўлиқ тузалади.

Касалликни

олдини

олиш

қоидалари

Коронавирус келтириб чиқарадиган касалликлар қайд этилган давлатларга боришдан олдин эҳтиёт чоралари билан батафсил танишиш. Тирик ҳайвонлар билан савдо қилинаётган бозорларга ташриф буюрувчилар, ҳайвонлар ёки унинг маҳсулотлари билан мулоқатда бўлувчи шахслар мунтазам равишда умумий гигиена қоидаларига қатъий риоя қилишлари талаб этилади, айниқса ҳар бир мулоқотдан сўнг қўлни совунлаб ювиш тавсия қилинади, ювмасдан қўл билан юз, оғиз ва бурунни ушлаш маън этилади. Номаълум ва касалланган ҳайвонлар, шунингдек уларнинг хом ашёлари билан мулоқот қилмаслик талаб этилади. Бозорлар, дўконлар биноларида, ҳамда очиқ майдонлардаги тупроқларнинг ҳайвон чиқиндилари билан ифлосланган жойлар билан мулоқотда бўлмаслик талаб этилади. Пиширилмаган ва чала пиширилган ҳайвон гўшти хамда уларнинг маҳсулотларини истеъмол қилиш тақиқланади. Умуман хом гўшт, сут ва ҳайвон ички аъзолари маҳсулотлари билан мулоқотда эҳтиёт чоралари кўрилиши шарт. Юқоридаги қоидаларга айниқса, бозорлар ва молларни сўйиш пунктларида ишловчилар ҳамда ветеринария ходимлари қатъий риоя этишлари шарт.

~~Ишловчи ходимлар иш жараёнида ҳимоя кийимлари, ниқоб ва қўлқоп билан ишлаши талаб этилади. Ишлатилган ҳимоя кийимларини хар куни зарарсизлантириш талаб этилади ва уйдагилар ушбу анжомлар билан муроҷотда бўлмасликлари шарт. Санитар гигиена, шахсий гигиена чора тадбирларига қатъий риоя этиш.~~

Озиқ овқат маҳсулотларини қайноқ сувда ювиб истеъмол қилиш. Овқатланишдан олдин ва кўчадан келганда қўлларни доимо кирсовун билан ёки маҳсус санитар геллар билан ювиб туриш. Тирик ҳайвонларни сотиш жойларида, гўшт ва гўшт маҳсулотлари билан савдо қилувчи жойларда, намлиги юқори бўлган савдо жойларида мунтазам равишда дезинфекция ишлари олиб борилиши талаб этилади.

Юқори нафас йўллари ўткир касалликларига чалинган bemorлар ва улар билан муроҷотда бўлганлар касаллик юқишининг олдини олиш мақсадида тиббий ниқобдан фойдаланишлари керак ва ниқоб кунига 3 марта алмаштирилиши шарт. Жамоа йиғиладиган жойларига бормай туриш, оч қолмаслик, ўз вақтида овқатланиш, оқсилга, витаминларга бой маҳсулотларни килиш керак.